

**Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича**

**ШАРТНОМА № 68**

ЛОТ№ 22110012178481

2022 йил 18 ноябр

**Жиззах шаҳри**

Ўзбекистон Республикаси “ЎЗСУВТАЪМИНОТИ” АЖ “Сув таъминоти ва оқава сув обьектларини қуриш бўйича инжинииринг компанияси” УК Жиззах вилояти худудий бошқармаси келгуси ўринларда “Буюртмачи” деб аталиб ҳамда 2022 йил 5 январдаги № 4-сонли ишончномага асосан иш юритувчи номидан бошқарма бошлиғи **М.Каратеев**, бир томондан ва «ELEGANT PROJECT» МЧЖ (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **З.Тожибоев** иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

**1. Шартнома предмети.**

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ "Бахмал тумани Новбахор МФЙ" худудида ичимлик суви таъминотини яхшилаш." обьекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйиладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик хужжатларини (бундан кейинги матнларда "Лойиҳа" деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: **30 фоиз** аванс маблаги утказилгандан кейин;

Ишни якунлаш: **10** иш куни.

**2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.**

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати ҚҚС билан **20 000 000 (йигирма миллион)** сўмни ташкил этади. Мазкур маблағлар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан “Манзилли дастур” тасдиқланганидан сўнг молиялаштириб берилади.

2.2. Ишлар қиймати очиқdir. Ишлар қиймати “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУКнинг хulosасига кўра, лойиха қидирув ишларида белгиланганидан камайганида тўланадиган маблағ тегишлича Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 396-сонли буйругига асосан Лойиҳага хақ тўлаш мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш буюртмачи тарафидан ижрочининг ҳисоб ракамига пул ўтказиш йўли билан қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;

- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган такдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи тарафидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳукуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар тарафидан маблаг молиялаштирилмаган такдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

2.6 АРТ, Давлат хизматлари, ЗВОС лойихаси, қидирув ишлари ва геология, РСВ, гидрогеология хulosаси, ДАҚН ҳисботи, муаллифлик назорати, давлат ва экологик экспертиза хulosалари учун тўловлар “Ижрочи” тарафидан амалга оширилади.

### **3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.**

3.1. "Бахмал тумани Новбахор МФЙ худудида ичимлик суви таъминотини яхшилаш." обьекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлиш санаси сифатида қуидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни конунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириққа ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Тарафлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишида лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг ижрочи тайёр лойиҳани ёки унинг қисмини буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи лойиҳани олганидан кейин қуидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориши;

3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат ижрочига юборилгандан сўнг икки тарафлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади;

3.3.3. Буюртмачи лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни ижрочига юбормаса, лойиҳа буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади;

3.3.4. Агар буюртмачи лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик лойиҳада бирламчи ҳужжатлардан ва шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишида огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

### **4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни ижрочига тақдим қиласди;

4.1.2. Мазкур шартномада белгилangan микдор ва тартибда ишлар қийматини ижрочига тўлаб беради;

4.1.3. Ижроидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиши, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик;

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун ижрочини жалб этиш;

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки ижрочига боғлик бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан тарафлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг);

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс тарафидан буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун ижроини жалб қилиш.

4.2. Ижроининг мажбуриятлари:

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун буюртмачи тарафидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши;

4.2.2. Буюртмачи тарафидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириши, буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиши, буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган ижрои келгусида буюртмачи тарафидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўкач қилмаслиги керак;

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш;

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёrlари ва қоидалари талблари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр лойиҳани буюртмачига топшириш;

4.2.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

4.2.6. Ўз ҳисобидан муаллифлик назоратини олиб бориш.

4.3. Буюртмачи қуидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, ижроидан қуидагиларни талаб қилиш:

- ижрои лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиш;
- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;
- ижрои лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли буюртмачининг пайдо бўлган молиявий заарларини қоплаш;
- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий заарлар қопланишини ижроидан талаб қилиш;
- «Ижрои» ташкилотнинг айби билан лойиҳа ҳужжатларига кушимча иш хажмлари киритилган ва харажатлар аниқланган тақдирда «Уздавархитекткурилиш» қумитасининг 24.06.2008 йилдаги 50-сонли буйруги билан тасдиқланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбоисига асосан бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб қуилади.

4.4. Ижрои қуидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

## 5. Тарафларнинг жавобгарлиги.

5.1. Тарафлар мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

5.2. Лойиҳа буюртмачи тарафидан қабул қилингандан кейин ижрои кафолатли муддат давомида (10 йил) лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва лойиҳадан фойдаланиш мобайнida аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, буюртмачининг заарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрои лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган холда) қуидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса.

5.4. Молия органи тарафидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирунга, ҳар бир кечикирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечикирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва заарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Тарафлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаслик шарти билан, биринчи тараф иккинчи тарафни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиқсан тараф иккинчи тарафга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматининг 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

## **6. Махфийлик.**

6.1. Ҳар бир тарафнинг фаолияти ёки тарафлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Тарафлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ максадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак.

## **7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.**

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-бандида кўрсатилганидек, шартноманинг амал қилиш муддати тугаши билан тарафларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Тарафлар ўртасидаги ёзма келишувга асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим тузилган ёки келишмовчилик баённомаси қўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда тарафлар (ёки тарафлар номидан вакиллар) томонидан имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.5. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

## **8. Низоларни хал этиши.**

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича тарафлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда Жиззах туманлааро иктисодий судида кўриб чиқилади.

## **9. Форс-мажор.**

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда тарафлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, қўзголонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъкиқлашлари ва

шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган тарафлар назоратидан ташқаридағи бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги тарафлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

## 10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома Жиззах вилояти Газначилик бошқармасида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амал килади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. Битта нусхаси буюртмачида, иккинчи нусхаси эса ижроида сақланади.

## 11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

### БУЮРТМАЧИ:

Ўзбекистон Республикаси  
“ЎЗСУВТАМНОТИ” АЖ “Сув  
таъминоти ва оқава сув обьектларини қуриш  
бўйича инжинииринг компанияси” УК  
Жиззах вилояти худудий бошқармаси  
Жиззах ш. Кимёгар махалла Тўқимачилар  
кўчаси 2 уй. Тел./факс 222-82-41,  
ш fax: 301821860084017063201110056  
ИНН: 305978471 ОКЕД 42210  
Жиззах вилоят Газначилик бошқармаси  
ЯФХ 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент  
шахар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса  
маркази (ҲККМ)  
МФО: 00014 ИНН: 201122919

М. Каратаев  
(ФИШ)



*Мамзор*

### ИЖРОЧИ:

“ELEGANT PROJECT” МЧЖ  
Жиззах ш. Киёгар махалласи,  
22а-үй  
Тел: +99872-226-66-11;  
х/р 2020 8000 2004 7650 4001;  
АТИБ Ипотекабанк Жиззах  
филиали.  
МФО:00122, СТИР:303 363 994;  
ОКЭД: 71120



*3. Тожибоев*  
(ФИШ)

### ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Узбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуни талаблари асосида тузилган. Хўжалик шартномаси шартлари, унда тарафларнинг жавобгарлиги хамда низоларни хал этиш тартиби амалдаги конунчилик талабларига мос келади.

Хукукий экспертиза натижасига кура кўйдагилар аникланди:

1. Шартнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофиқ тузилган. Такдим этилган шартнома шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси хамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуни билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг ўз мажбурятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги окибатида юзага келадиган жавобгарлик Узбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъетлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конунининг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

Бошқарма хуқуқшуноси

*Д.Уралов*